

Саккиздан бирга ва учдан иккига ҳақдорлар



10:43 / 16 сентябрь 765

Саккиздан бир улушни меросхўрлардан фақат биттаси, яъни хотин (ёки хотинлар) олади. Марҳумнинг хотини битта бўладими ёки ундан кўпми, агар эрнинг шу хотинидан ёки бошқа бирорта хотинидан боласи бўлса, хотин саккиздан бирни олади. Бунга ушбу ояти карима далилдир:

الثُّلُثِ فِي شُرَكَاءَ فَهَمَّ ذَلِكَ مِنْ أَكْثَرِ كَانُوا فَإِنْ

«Агар фарзандингиз бўлса, уларга сиз қолдирган нарсанинг саккиздан бири. Сиз қилган васият ёки қарз (адо этилгани)дан сўнг» (Нисо сураси, 12-оят).

Учдан иккига ҳақдорлар

Меросхўрлардан учдан иккини оладиганларнинг барчалари аёл кишилар бўлиб, улар тўрттадир:

1. Ўзидан бўлган икки ёки ундан кўп қиз.
2. Ўғилнинг икки ёки ундан кўп қизи ёхуд ўғилнинг ўғлининг икки ёки ундан кўп қизи.

3. Туғишган иккита ёки ундан кўп опа-сингиллар.

4. Ота бир иккита ёки ундан кўп опа-сингиллар.

Бу тоифалар учдан икки улушни олишлари учун уларда бир неча шартлар топилиши лозим:

Биринчи шарт. Икки ёки ундан кўп ўзидан бўлган қизнинг меросдан учдан икки қисм улуш олиши учун уларда асаба ака ёки ука, яъни марҳумнинг ўғил фарзанди бўлмаслиги лозим. Бунга далил – ушбу ояти каримадир:

تَرَكَ مَا تُلْثًا فَلَهُنَّ اثْنَتَيْنِ فَوْقَ نِسَاءٍ كُنَّ فَإِنْ

«Агар аёллар иккитадан кўп бўлсалар, уларга у (марҳум) қолдирган нарсанинг учдан иккиси» (Нисо сураси, 11-оят).

Ояти каримадаги «иккитадан кўп бўлсалар» дегани «иккита ёки ундан кўп бўлсалар» деган маънодадир. Бунга барча уламолар ижмо қилганлар.

لَاقُ هُنَّ عُلَّالُ يَضَرُّ رِبَّاجٍ نَع
عِي بَّرْلَا نُبِ دَعَسَ أَرْمَانَا
هُلَّالِيَّ صِ هَلَّالِ لُوسَرُ تَعَج
نَمَاهِي تَنْبَابِ مَلَسَوِ هِي لَع
هُنَّ عُلَّالُ يَضَرُّ دَعَس
هُلَّالِ لُوسَرِ أَيُّ تَلَّاقِف

نُبِذَ غَسَاتُ نَبَاتَاتَاهُ
دُغَسَ أُمُّهُ وَبِأَلْتُقِ عِيْبُ رَلَا
أُمُّهُ مَعَهُ نِإُو ، أَدِي هَشِ دُحُ أَبِ كَعَم
أُمُّهُ لُغَدِي مَلَف ، أُمُّهُ لَامَ دَخَأ
بِأُمُّ بَأَلِ نَاحُ كُنْتِ أَلَو ، أَلَام
هِيَ لَعُهُ لَلَا يَلَصَ لَأَقَف
يَفُهُ لَلَا يَضُقِي « مَلَسَو
بِثَارِي مَلَأَةُ أَيَاتِ لَزَنَف ، « كِلَذ

أَوْلَادِكُمْ فِي اللَّهِ يُوصِيكُمْ

يَلَصَ هَلَلَا لُؤَسَرَ لَسُرَأَف
أُمُّهُ مَعَهُ يَلِإِ مَلَسَو هِيَ لَعُهُ لَلَا
دُغَسَ يَتَنَبَاتِ طَعَأ نَأ

نَمْثَلَا أُمَّهُمُ أَوْ، نِيْتَلُثَلَا هُوَ أَوْرَ كَلَّ وَهَفَ يِقَبْ أَمَو بِنَاخِيْشَلَا

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Робиънинг хотини Саъд розияллоҳу анҳудан бўлган икки қизи билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, шундай деди: «Эй Аллоҳнинг Расули, булар Саъд ибн Робиънинг икки қизидир. Уларнинг отаси Саъд Уҳудда сиз билан бирга эди, шаҳид бўлди. Буларнинг амакиси молларини олиб бу иккисига ҳеч нарса қолдирмади. Ахир булар мол бўлмаса, турмушга чиқа олмайдилар-ку?» У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Булар тўғрисида Аллоҳнинг Ўзи ҳукм чиқаради»**, дедилар. Шунда **«Аллоҳ сизга фарзандларингиз борасида ҳукм қилади...»** деган мерос ояти нозил бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у икки қизнинг амакиларига одам юбориб, **«Саъднинг икки қизига учдан иккини бер, қизларнинг онасига саккиздан бирни бер, қолгани эса сенгадир»**, дедилар» (Бухорий ва Муслим ривоят қилган).

Ушбу ҳадиси шариф ояти каримадаги «иккитадан кўп бўлсалар» дегани **«иккита ёки ундан кўп бўлсалар»**, деган маънода эканига қатъий далил бўлмоқда. Баъзилар «Оятда «иккитадан кўп бўлсалар» дегани учта ёки ундан кўп бўлса, деган маънодадир. Агар қизлар иккита бўлса, улар ярим олишади», деган фикрни ўртага ташламоқчи бўлишади. Бу фикр барча уламолар ижмо қилган фикрга зид бўлиб, унинг эътибори йўқ.

Иккинчи шарт. Ўғилнинг икки ёки ундан кўп қизи учта шарт билан учдан иккини олади:

- 1) марҳумнинг ўғил ёки қиз каби сулбий фарзанди бўлмаслиги лозим;
- 2) икки сулбий қизи бўлмаслиги лозим;
- 3) уларнинг даражасида улар билан бирга асаба ака ёки ука (ўғилнинг ўғли) бўлмаслиги лозим.

Шу каби ўғилнинг ўғлининг қизлари қанча пастласалар ҳам, булар тўғрисидаги ҳукм шундайдир. Ўғилнинг қизлари марҳумнинг ўғли бор пайтда меросдан маҳжуб бўлишади, чунки меросда шундай қоида бор: **«Ким бир восита билан боғланса, уни ўша восита ҳажб қилади».**

Уларнинг ушбу меросни олишларига далил ижмодир. Ўғилнинг фарзанди ўғил бўлмаганда уларнинг ушбу меросни олишларига далил ўғилнинг фарзанди у бўлмаганида фарзанд мақомида бўлишига ижмо бўлгандир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

أَوْلَادِكُمْ فِي اللَّهِ يُوصِيكُمُ

«Аллоҳ сизга фарзандларингиз борасида ҳукм қилади» (Нисо сураси, 11-оят).

Ушбу ояти каримадаги **«фарзандларингиз»** калимаси ўз болаларини ва ўғилнинг болаларини, қанча пастласалар ҳам, ўз ичига олади.

Учинчи шарт. Икки ёки ундан кўп туғишган опа-сингиллар учдан иккени учта шарт билан олишади:

- 1) ўғил ёки қиз, ота ёки бобо бўлмаслиги шарт, яъни асли ҳам, фаръи ҳам бўлмаслиги;
- 2) асаба ака ёки ука (туғишган ака ёки ука) бўлмаслиги шарт;
- 3) қизлар ёки ўғилнинг қизлари (битта ёки кўп бўлса ҳам) бўлмаслиги шарт;

Бунга далил ушбу ояти каримадир:

وَلْيَخْشَ ۞ مَعْرُوفًا قَوْلًا لَهُمْ وَقُولُوا مِّنْهُ فَأَرْزُقُوهُمْ

«Агар (сингиллар) иккита бўлса, уларга марҳумдан қолган нарсанинг учдан иккисидир» (Нисо сураси, 176-оят).

Тўртинчи шарт. Ота бир икки ёки ундан кўп опа-сингиллар учта шарт билан учдан иккини олишади:

- 1) Ўғил, ота ёки бобо бўлмаслиги шарт (яъни асл ва фаръ).
- 2) Асаба ака ёки ука бўлмаслиги шарт (ота бир ака, ука).
- 3) Қизлар ёки ўғилнинг қизлари, туғишган ота-она бир ака ёки сингил бўлмаслиги шарт.

Мана шу шартлар туғишган опа-сингиллар учун ҳам қўйилган эди. Буларга туғишган ота-она бир ака ёки сингилнинг бўлмаслиги шarti қўшилди. Буларнинг мерос олишига далил ҳам ижмодир, чунки ояти каримадаги опа-сингиллар туғишган опа-сингилларни ҳам, ота бир опа-сингилларни ҳам ўз ичига олади. Лекин она бир опа-сингиллар буларга кирмайди. Валлоҳу аълам.

«Ислом шариатида мерос илми» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.